

Бадий матнда диалогик дискурсниг қўлланилиш даражасига алоқадор лингвистик хусусиятлар.

Л.Р.Раупова ф.ф.д.

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек насри учун характерли бўлган хусусиятлардан бири – бадий асар қурилмасида ғоят муҳим ўрин тутган диалогик дискурсниг қурилиши ҳамда вазифалар доирасининг кенглиги ва ранг-баранглигидир. Диалогик дискурс ўзининг тузилиши ва бадий асар структурасида эгаллаган ўрни жиҳатдан кўпинча муаллиф баёнининг композицион-услубий тизимини белгилаб беради. Муаллиф асар баёнида қатнашувчи коммуникантлар суҳбатини шундай ташкил этадики, натижада диалогик дискурс ёзувчи учун биргина ифодалаш воситаси бўлиб қолмайди, балки бош мақсад даражасига кўтарилади.¹ Шунинг учун ҳам диалогик дискурс асардаги композицион сюжет қурилишининг ажралмас таркибига айланиб қолган.

Бадий адабиётда диалогик дискурсниг ўрни ниҳоятда катта. Асарда воқеа ёзувчи томонидан баён қилинар экан, шундай вазият юзага келадики, энди муаллиф воқеа ривожининг кейинги босқичини ўз сўзлари билан ифода қилишининг иложи бўлмай қолмади. Бундай пайтда ёзувчи диалогик дискурсга мурожаат қилади. Демак, бадий асарнинг бир бутун структурал тизими ва услубий яхлитлиги диалогик дискурсниг асарда тутган ўрни ва роли билан узвий боғлиқдир.

Жаҳон ва рус адабиётшунослигида диалогик дискурс муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган талай ишлар мавжуд. Булар орасида айниқса, З.Клеменсевич поляк тилидаги,² У.Мукаровский чех тилидаги,³ О.Эссен немис тилидаги,⁴ Н.Ю.Шведова,⁵ М.Л. Михлина,⁶ Т.Г. Винокур⁷ каби

¹ Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. - М., 1963. -С. 338.

² Klemensiewicz Z. Zarus ksladni polskie, Warszawa, 1957.

³ Mucarousky U. Dialog a monolog w "Lesty filologicke", Praha, 1940. - № 6.

⁴ Essen O. Grundzuge der hochdeutschen Satzintonation, Hamburg.

⁵ Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи: Автореф. дисс ... д-ра филол.наук. - М., 1958.

олимлар рус тилидаги диалогик дискурс ва унинг синтактик хусусиятини ўрганган бўлса, М.М.Бахтин, М.Б.Храпченко, В.В.Виноградов, В.В.Одинцов каби олимларнинг тадқиқотларида буюк санъаткорлар Ф.Достоевский, Л.Н.Толстой, А.С.Пушкин, Н.Гоголь ва бошқаларнинг диалогик дискурс яратиш борасидаги маҳорати чуқур таҳлил этилади.⁸ Уларнинг ижодига хос диалогик дискурс турлари ва кўринишлари тўғрисида фикр юритилади.

Диалогик дискурснинг шахснинг характер сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнаши файласуфларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Профессор В.И.Толстухнинг ёзишича, одам «ўзининг ҳаётдаги ўрни ва қобилиятининг қай даражада эканлигини тўла англаб етиши учун диалогик дискурсга эҳтиёж сезади. Худди мана шу эҳтиёж шахснинг аниқ бир характер, аниқ бир тип сифатида шаклланишига ёрдам беради».⁹

Ўзбек тилшунослигида диалогик дискурснинг ўзига хос хусусияти, типлари ва турлари, унинг структурал қурилиши ҳамда вазифаларини аниқлашга оид тадқиқотлар санокли. Масалан, диалог ҳамда унинг бадиий асардаги ўрни тўғрисида академик М.Қўшжонов ўзининг «Ижод сабоқлари» китобида¹⁰ қисқа ва умумий маълумот берган. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да¹¹ диалогнинг асосан драматик асарлардаги вазифаларига тўхтаб ўтилган. Тадқиқотчи Г.Имомова «Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли» мавзусидаги номзодлик диссертациясида, гарчи биринчи бобнинг 3-бўлими «Диалог, монолог ва ички нутқда миллий характернинг ифодаланиши» деб номланган бўлса-да, диалог ва монолог атамаларига таъриф беришни ортиқча ҳисоблаб, «асарларда *диалог* икки ва

⁶ Михлина М.Л. Из наблюдений над синтаксисом диалогической речи: Автореф. дисс ... канд. филол.наук. - Л., 1955.

⁷ Винокур Т.Г. О некоторых синтаксических особенностях диалогической речи в современном русском языке. :Автореф. дисс ... канд. филол.наук. - М., 1953.

92. Бахтин М. Кўрсатилган асар.; Храпченко М. Лев Толстой как художник. -М., 1978; Виноградов В.В.О языке художественной прозы. - М., 1980; Одинцов В.В. О языке художественной прозы. - М., 1971.

⁹ С чего начинается личность: сборник. -М., 1984. -С.99.

¹⁰ Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. – Т.: Ёш гвардия, 1973. -191 б.

¹¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т., 1981. -

ундан ортиқ коммуникантнинг ўзаро мулоқоти, тортишуви, бир-бирини инкор этувчи турли хил этиқоди ва характери тасвирлаш воситаси”¹² эканлигини қайд этиш билан чекланади. Тилшунос Ў.Лафасовнинг «Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши»¹³ мавзусидаги номзодлик ишида диалогик нутқ таркибида фақат модал сўзнинг қўлланилиши тўғрисида фикр юритилади. Профессор А.Ғуломов ва М.Асқаровалар “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Синтаксис) дарслигида диалог сўроқ-жавобдан иборат бўлганда тўлиқсиз гаплар жавоб гап тарзида келишини қайд қилган бўлса, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти томонидан нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” да диалог тўлиқсиз гапнинг бир тури сифатида кўрсатилади ва диалогик нутқ таркибида келувчи тўлиқсиз гапларнинг тузилиши устида фикр юритилади. Умуман олганда, ўзбек тилшунослигида диалогик нутқ масалаларини илмий асосда ўрганиш ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади. Бу даврда яратилган тадқиқотлар сирасига А.Ҳазраткулов¹⁴, А.Бобоева¹⁵, Э.Шодмонов¹⁶, С.Холдорова¹⁷, А.Шомақсудов¹⁸ илмий изланишларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Мазкур манбаларда диалогик нутқнинг хусусияти ва унинг монологик нутқ шаклидан фарқли томонлари, диалогик нутқ таркибидаги тўлиқсиз гаплар, диалогик нутқдаги сўз тартиби каби масалалар хусусида сўз юритилади. Чунончи, А.Бобоева тўлиқсиз гапларнинг юзага келиши ўз табиатига кўра диалогик нутқ билан айниқса, сўзлашув

¹² Имомова Г. Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол.фанлари номзоди ... дисс. -Тошкент, 1993. –Б.13.

¹³Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол.фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 1996. -174 б.

¹⁴ Ҳазраткулов А. Диалогическая речь в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. - Самарканд, 1966.

¹⁵ Бобоева А. Ҳозирги узбек адабий тилида тулиқсиз гаплар : Филология фанлари номзоди... дисс.- Тошкент, 1968. - 158 б.

¹⁶ Шодмонов Э. Слова-предложения в современном узбекском языке: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1970. -230 с.

¹⁷ Халдарова С.М. Семантико-структурные особенности диалогической речи в современном языке: Автореф.. дисс ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1974.-С.5.

¹⁸ Шомақсудов А.Сўзлашув стили. Ўзбек тили стилистикаси масалалари.-Тошкент,, 1972. –Б. 37.

нутқи билан боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлайди.¹⁹ Сўзлашув нутқида учрайдиган савол-жавоб шаклидаги диалог ва унинг тўлиқсиз гаплардан фарқи, диалог ва монолог ўртасидаги тафовут каби масалалар А.Ҳазраткуловнинг ишида қайд этилган.²⁰ Шунингдек, айрим ишларда диалогдаги, диалогик структурадаги ҳамма ҳодисалар адабий норматив ҳодиса эмаслиги, шу боис бу муаммони манбаларда адабий тил асосида ўрганиш, яъни тадқиқот объекти бўлган диалогик нутқни адабий тил тушунчалари билан биргаликда қўллаш мунозарали эканлиги таъкидланади.²¹ Кўринадики, диалогнинг анъанавий талқинларида у ё бадий, ё соф лингвистик нуқтаи назардан текширилиб, унинг дискурсив моҳияти, ҳали ижтимоий зарурат этилмаганлиги боис, тадқиқ эътиборидан четда қолган.

Айтилганидек, хорижий тилшуносликда синтактик дискурс муаммоси ўтган асрнинг 50-йилларида З.Харрис томонидан кўтарилди.²² Худди шу даврда Э.Бенвенист “дискурс” тушунчасига алоҳида бир тизим сифатида ёндашади. Чунончи, тилшунос «гап билан бирга тил тизимига алоҳида бир белги сифатида қарамасдан, бошқа бир нуқтаи назардан қараш кераклигини, хусусан, нутқий мулоқот жараёнида юзага келадиган ҳодисанинг дискурс эканлигини» қайд этади.

Диалог – француз тилида “dialogue”, инглиз тилида “dialog [ue]”, грек тилида “dialogos” шаклларида бўлиб, ўзбек тилида “суҳбат, баҳс, мулоқот” маъносини билдиради. Маълумки, диалогик дискурс – икки ёки ундан ортиқ шахс орасидаги жонли мулоқот. *Диалогик дискурсининг* бадий асарлардаги:

- пьеса асарлари қаҳрамонлари суҳбатида;
- бадий асар қаҳрамонларининг ўзаро мулоқотлари

¹⁹Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар : Филология фанлари номзоди ... дисс. -Тошкент, 1968. –Б.7-6.

²⁰ Ҳазраткулов А.Ҳ. Диалогик нутқ синтаксисининг баъзи хусусиятлари. –Қарши: Насаф, 1978. – Б. 36.

²¹ Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи масалалари: Филология фанлари д-ри ... дисс. - Самарқанд, 1975. –Б. 17.

²² Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. – №13. – P. 8-45
Harris Z.S. Notes du cours de syntaxe.–Paris: Ed. du Seuil, 1976.–238 p.

жараёнида ;

- давр қаҳрамонлари ва улар яшаган муҳит, сиёсий арбоблари орасида кузатиладиган турлари мавжуд.

Фанимизда *диалог* атамасига *дискурс* тушунчасини яқинроқ тутиш одат тусига айланган. Аммо бу ўхшашлик улар иккисини бир ҳодиса сифатида баҳолашга изн бермайди. Замонавий тилшуносликда *дискурс* атамаси сўзлашув нутқидаги мавжуд юқори ҳажмли фраза, шу боисдан, у мавжуд фразалар билан ўзаро алоқадорликдадир. Аксинча, дискурсив таҳлил натижасида тил бирлиги бўлган гапнинг янги ўзига хос лингвистик қирралари очилади.²³ Бу масала хусусида инглиз тилшунослари “дискурс бу, аввало, матнда намоён бўлади ва унинг ажралмас таркибий қисми саналади”, – деб қайд этишади.²⁴ Кўринадик, бадий асар қурилмасида ғоят муҳим ўрин тутган диалогик дискурс ўз қурилиши ҳамда вазифалар доирасининг кенглиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Диалогик дискурс ўзининг тузилиши ва бадий асар структурасида эгаллаган ўрни жиҳатдан кўпинча муаллиф баёнининг композицион-услубий тизимини белгилаб беради.

Маълумки, социал-нутқий алоқада диалогик дискурс энг кўп қўлланиладиган мулоқот шакллардан ҳисобланади. Монологик дискурс эса мураккаб нутқ шакли бўлиб, жамоа томонидан қўлланиладиган ифода шакли бўлмасдан, балки индивидуал шахс томонидан тузилган нутқдир.

Диалогик нутқ таҳлили объекти алоҳида олинган гаплар таҳлилидан эмас, балки матн ва у билан боғлиқ ички ва ташқи омиллар таҳлилидан иборат бўлади. “Диалогик матн икки шахснинг мавзуй ва мантикий бир бутунликни ташкил этадиган, бири иккинчисини тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган гаплар йиғиндисидан ташкил топган бир бутун нутқий

²³ Dubois J., Giacomo M. et al. Dictionnaires de linguistique. – Paris: Larousse, 1973. – 516 p.

²⁴ Николаева Т.М. Краткий словарь терминов лингвистики текста // Новое в зарубежной лингвистике. -М., 1978. Вып. VIII. –С.

бирликдир».²⁵ Диалогик нутқ кўринишида адресатга ахборотни тез, аниқ, содда ва таъсирчан етказиш мақсад қилинган бўлади. Шунинг учун суҳбат жараёнида эллипсидан, турли имо-ишоралардан кенг фойдаланилади. Мутахассислар фикрича, «алоқа-аралашувда сўз, сўз бирикмаси, гап, айрим ҳолларда матнлар ҳам эллипсисга учраши ёки нолисоний воситалар билан алмаштирилиши мумкин. Диалогик матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, коммуникантлар алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситалардан лисоний воситани изоҳлаш, тўлдириш, таъкидлаш, аниқлик киритиш, компенсация қилиш (лисоний бирлик ўрнида қўллаш) мақсадларида фойдаланадилар»²⁶. Монологик нутқ бадий асар қаҳрамонларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқидир. Ҳам шеърӣ, ҳам насрий асарларда қўлланилади. Бадий асарлардаги мактублар асосан монологик ёзма нутқ кўринишида бўлади масалан, («Ўткан кунлар» романида Кумушнинг Отабекка ёки Отабекнинг Кумушга ёзган мактуби). Бу мавзу ўзбек тилшунослигида алоҳида тадқиқ манбаи бўлган.²⁷

Шеърӣ матнларда лирик қаҳрамон кечинмаларини тугал тасвирлаш учун монологик нутқдан фойдаланилади. Ички монологик нутқ – коммуникантнинг ўз-ўзи билан ичдан гапириши, фикрлаши, фикр ва туйғуларининг ички ифодасидир.

Аросат яланглигида Йигит ёлғиз ўзи.

Йигит: Умрим ўтди сарсонликда, саргардонликда,

Яхши-ёмон замонларни кўриб келдим мен.

Баъзан маъно топа олдим чин инсонликда,

Баъзан эса уни ерга уриб келдим мен.

²⁵ Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили //Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. - №2. –Б. 71.

²⁶ Қаранг: Саидхонов М. Ўша жойда.

²⁷ Чориева З. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги мактубларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлари. номзоди ... дисс. -Тошкент, 2003. – 172 б.

Мана, ўша тарозибон, у-ку фаришта,

Инсонлардан кўра юксак туражак-ку у.

У зотга ҳам қийин экан бундақа ишда,

Кўзларида алланечук норизо туйғу.

Қийин ахир уларга ҳам, қалблари бордир,

Қийин ахир уларга ҳам-бордир кўзлари.

Фақатгина фармон берар Оллоҳи Қодир,

Лекин қалбни англамайди қизлар сингари.

Энди қайга борсам экан бу дашт, саҳрода,

Қайга бориб надаримни кимдан сўрасам?

Билолмасам, ким дўзахда, ким ариш-аълода... (А.Орипов. “Жаннатга йўл” достони).

Ички монологик дискурсда коммуникант ўзининг сирли, яширин фикрларигача айтади, шу боисдан, ички монологик дискурс орқали коммуникант китобхон олдида ўз-ўзини “очади”. Шунинг учун ҳам унинг шахсиятида ҳеч нарса сирли ёки тушунарсиз бўлиб қолмайди. Ички монологик дискурс сўзлашув нутқидан ўзининг очиқ ва ошкоралиги билан ажралиб туради:²⁸

Калит сузлар: дискурс, монологик дискурс, диологик дискурс, коммуникант, мулоқот, адресат, бадиий матн, диологик матн.

SUMMARY

This article deals with the analyses of pragmatic features of polepredicative units in dialogue discourse. This analysis is carried in the comparative way of Russian and Uzbek languages.

²⁸ Шодиев Р. Рухият рассоми. –Т.: Фан, 1997. –Б.6.

РЕЗЮМЕ

Эта статья имеет дело с анализом прагматических характеристик полипредикативных устройств в диалогом рассуждении. Этот анализ введен в сравнительным путем в русском и узбекском языках.

РЕЗЮМЕ

Маколада бадий матнда диалогик дискурснинг қўлланилиш даражасига алоқадор лингвистик хусусиятлар, шунингдек, полипредикатив бирликларнинг диалогик дискурсдаги ифодаланиши масаласи таҳлил қилинади. Мазкур таҳлил муаммонинг рус ва узбек тилидаги мавжуд илмий манбаалари асосида таҳлил қилинади.

Муаллиф: Раупова Лайло Рахимовна, филология фанлари доктори, доцент, Миллий рассомчилик ва дизайн институти «Тиллар ва адабиёт» кафедраси мудири

Почта манзили: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кучаси 50-15.

Моб. +99890-961-94-84.

e-mail: Laylo-74@mail.ru